

## Гиёҳвандлик — соғлом ҳаёт кушандаси

Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, халқимизнинг саломатлиги ва ҳаётининг хавфсизлигини асраш ҳамда ҳар бир хонадонда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш энг устувор вазифалардан бири саналади.

Зотан, иқтисодийтимизнинг изчил суръатларда ривожланиб бораётгани, турмушимиз фаровонлиги ва ободлиги кун сайин юксалаётгани айнан ушбу вазифа ижросининг амалда тўлиқ таъминланаётгани билан чамбарчас боғлиқ, десак, хато қилмаймиз. Бироқ соғлом турмуш тарзимизга, ҳаётимиз хавфсизлигига раҳна солувчи терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси каби қабих қилмишларнинг учраб туриши ғоятда ачинарлидир. Биргина гиёҳвандфурушлик жинояти хусусида тўхталадиган бўлсак, бу иллат эндиликда жаҳон ҳамжамиятини чуқур ташвишга солаётган глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Гиёҳвандлик домига илинган кимса нафақат инсонийликка хос фазилатларни, айни чоғда, ўзининг зиммасидаги бурч ва мажбуриятларни ҳам буткул унутди. Энг ачинарлиси, гиёҳванд моддаларни пуллаш эвазига ўз ҳамёнини қаппайтираётган кимсалар аксарият ҳолларда ғўр ва тажрибасиз ёшларни ўзининг чиркин тузоғига илинтиришдан ҳам тап тортмайди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда гиёҳвандлик моддалари савдосининг олдини олиш ва бу иллатга ғарши курашиш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоғда. Чунончи, "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

Бинобарин, амалдаги Жиноят кодексининг 270-275-моддаларини ўз ичига олган XIX боби "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар" деб номланиб, ушбу жиноятни содир этганлик учун жиноий жазо чоралари белгилаб қўйилган. Шу ўринда ҳаётий мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, тўрт нафар фарзанднинг отаси Н.Тўраев (исм-шарифлар ўзгартирилган) мўмай пул топишнинг осон йўлини танлайди. У Наманган шаҳридаги "Чорсу" дехқон бозорига қўшнисига тегишли "Damas" русумли автомашинада бориб, Дилшода исмли аёлдан 201,38 грамм гиёҳвандлик воситасини 500.000 сўмга сотиб олади. Бироқ айнан ўша дамда у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларига кўзи

тушиб қолади ва шоша-пиша гиёҳвандлик воситасини бир четга улоқтириб, қочиб кетади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари жиноятчи томонидан улоқтириб юборилган полиэтилен қопча ичида 14 бўлакдан иборат гиёҳвандлик воситаси борлигини аниқлашади.

Шундан сўнг Н.Тўраев бу қилмишидан тегишли хулоса чиқариб олиш ўрнига яна шундай қабих ишга қўл уради. Аниқроқ айтганда, оғуфурушликни ўзига касб қилиб олган бу кимса Чортоқ туманидаги Ҳазратишоҳ қишлоғида яшовчи К.Салимовга 333,51 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини 3.500.000 сўмга пулламоқчи бўлиб турганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинади.

Н.Тўраев ўзининг бу қилмиши билан амалдаги Жиноят кодексининг 28, 246-моддаси 2-қисми ва 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор, деб топилди.

Суд содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олган ҳолда Н.Тўраевга нисбатан қонуний жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, оғуфурушликни касб қилиб олган кимсалар, эртами-кечми, қонун олдида жавоб беришга, ўзининг қабих қилмиши учун афсус-надомат чекишга мажбур бўлади. Шундай экан, ҳар биримиз нафақат ўз оиламиз, айти чўғда эл-юртга наф келтирадиган ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлиш умримизга файз ва мазмун бағишлашини доимо ёдда тутайлик.

**Мансур ИБРАГИМОВ,**

жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг судьяси

**Икромжон ОРИФЖОНОВ,**

"Куч-адолатда" мухбири